



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ИМКОНИАТЛАРИ

Мустафоев Голиб Султонмуродович
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтини “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси PhD, доценти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a17

Аннотация. Мақолада қишлоқ жойларида мавжуд имкониятларни янада ривожлантириш, қишлоқ ҳудудлар инфратузилмасининг ҳолатини аниқлаш ва ислоҳотларни амалга ошириш учун қишлоқ жойларининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва ривожланиш имкониятларини аниқлаш, қишлоқ жойларидаги хизмат кўрсатиш соҳасининг молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш имкониятлари, тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш таъсири, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми, қишлоқ аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромадлар ва инвестициялар миқдори каби омиллар ва олимларнинг тавсиялари ўз аксини топган.

Калит сўзлар: қишлоқ жойлари, хизмат кўрсатиш соҳаси, инфратузилма, маиший хизмат, аҳоли, даромадлар, иш ҳақи, қишлоқ аҳолиси бандлиги, иш ўринлари, аҳоли турмуш даражаси, савдо.

ВОЗМОЖНОСТИ СЕКТОРА УСЛУГ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ В ПОВЫШЕНИИ БЛАГОСОСТОЯНИЯ И ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

Мустафоев Голиб Султонмуродович
доцент кафедры "Цифровая экономика"
Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В статье целях дальнейшего развития существующих возможностей в сельских районах, определения состояния инфраструктуры сельских районов и проведения реформ, анализа экономической эффективности сельских районов, оценки и определения возможностей развития, финансового состояния сектора услуг в сельских районах, возможностей производства и обслуживания, влияние развития хозяйствующих субъектов, объем, такие факторы, как размер дохода на душу населения и инвестиций в сельское население, а также рекомендации ученых, отраженные в научной статье, повысили научный характер работы.

Ключевые слова: сельская местность, сфера услуг, инфраструктура, бытовые услуги, население, доходы, заработная плата, занятость в сельской местности, рабочие места, уровень жизни населения, торговля.

OPPORTUNITIES OF THE SERVICE SECTOR IN RURAL AREAS IN IMPROVING THE WELL-BEING AND EMPLOYMENT OF THE POPULATION

Mustafoyev Golib Sultonmurodovich
Associate professor of the department "Digital Economy"
Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation. In the article, in order to further develop the existing opportunities in rural areas, to determine the state of the infrastructure of rural areas and to carry out reforms, to analyze the economic efficiency of rural areas, assess and determine the development opportunities, the financial state of the service sector in rural areas, production and service opportunities, the impact of the development of business entities, the volume of, factors such as the amount of per capita income and investments in the rural population, and the recommendations of scientists, reflected in the scientific article, increased the scientific nature of the work.

Keywords: rural areas, service sector, infrastructure, household services, population, income, wages, rural employment, jobs, living standards of the population, trade.

Кириш. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага имтиёзлар бериш, қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича комплекс чора-

тадбирлар амалга оширилмоқда. “Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, улар учун етарли миқдорда унумли иш ўринларини яратиб бериш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар аҳолиси

тумуш даражасига қадар кўтариш[1]” бўйича муҳим вазибалар белгилаб берилган. Мазкур устувор вазибаларни ижросини таъминлашда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлик даражасини ошириш, рақамли технологиялар ҳамда инновацион фаолиятни ишлаб чиқариш, инфратузилма ва илмий таъминот интеграцияси асосида ривожлантириш каби йўналишларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Д.Гэлбрейт аграр иқтисодиёт ҳукмронлиги шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида содир бўлаётган иқтисодий муносабатларни бир инсоннинг бошқа бир инсонга кўрсатган шахсий хизмати сифатида қараган. Постиндустриал жамият назариясининг асосчиси Даниэл Белл хизмат кўрсатиш соҳасининг амал қилишини қуйидагича таърифлайди: «Паст меҳнат унумдорлиги ва аҳоли сонининг, меҳнатда банд бўлганлар сонининг кўплиги билан боғлиқ. Унинг фикрига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг кўпчилик қисми шахсий хизматлар билан шуғулланганлар. Кўпинча хизматкорлар фақат қорин тўйғазиш учун ҳам меҳнат қилганлар, уйдаги иш арзон ва кенг тарқалган»[2]. Демак, Д.Белл ҳам хизматлар соҳасининг туб моҳиятини очишда Д.Гэлбрейт[3] йўл қўйган хатони такрорлайди. Н.В.Васеленко, И.В.Венгерова хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий томонлари сифатида “меҳнат унумдорлигини ошириши, мамлакат иқтисодиётини малакали меҳнат ресурслари билан таъминлаши, иқтисодий жихатдан мамлакат иқтисодиётида технологик ўзгаришлар, мураккаб турдаги хизмат кўрсатиш марказлари очилади”[4] дейди. Ш.Х.Саттаров “Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти уни моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминлашда аниқ йўналишлар белгиланганлиги билан изоҳлайди[5]. Буюк иқтисодчи Адам Смит (1723-1790) хизмат шаклидаги ноз-неъматларнинг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб бериш ҳамда унинг мамлакат ижтимоий бойлигининг манбаи сифатида қараш муаммосини ҳал этиш мақсадида ўзининг жаҳонга машҳур “Ҳалқлар бойлигининг табиат ва сабаблари тадқиқоти” (1766) номли асарида «унумли меҳнат» ва «унумсиз меҳнат» тушунчалари хусусида фикр билдирган[6]. Шу орқали А.Смит моддий ва номоддий ишлаб чиқаришни фарқлаб, дастлабки хизмат тушунчаси яралишига катта ҳисса қўшган. Тина Харри-

сон, Хуман Эстелами[7] хизматнинг ўзига хос жихатларини асослашган. Уларнинг фикрича: “Хар бир хизмат ўзига хослиги, бир бирига ўхшамаслиги, вақт, ресурслар бир бирини такрорламайди”, деб қарашган. МакКоннелл, Р.Кемпбелл каби иқтисодчилар “Хизмат – бу истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат тўлашга тайёр бўлган номоддий ҳаракат ёки фойдаланишдир[8], деб таърифлайди. Олимлар ўзларининг бу илмий қарашда хизматни уч объект бўйича истеъмолчи, фирма ва ҳукумат нуқтаи-назаридан қараш муҳим эканлигини асослашади. Таниқли олимлардан Ф.Котлер хизматга қуйидагича таъриф беради: “Хизматлар – бу бир томон бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки қандайдир неъмат бўлиб, эгалик қилиш ҳуқуқини бермайдиган фойдали ҳаракатдир”[9], деб ҳисоблайди. Ю.С.Осипов “Хизмат ва хизмат кўрсатиш соҳаси деганда – бу тижорат ва нотижорат хизматларнинг барча турларини ўз ичига олган иқтисодиётнинг бир қисми бўлган корхоналар, ташкилотлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизматларни такрор ишлаб чиқаришни умумлаштирувчи категориядир”[10], деб таъкидлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини замонавий талқин этган олим профессор Н.А.Восколович бўлиб, унинг фикрича “Замонавий хизмат кўрсатиш соҳаси – бу миллий иқтисодиётнинг бир қисми бўлган ва жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ фаолиятнинг динамик кўп функционал мажмуаси”[11] эканлигини қайд этади. Профессор М.М.Мухаммедов “Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари” номли монографиясида у хизмат тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Хизмат – умум иқтисодий категория бўлиб, у истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришга (оғирини енгил, узоғини яқин, мушқулини осон қилишга) ва уларнинг мафатларини таъминлашга қаратилган меҳнат фаолиятининг кенг тарқалган туридир”[12]. Демак, олим хизматни истеъмолчи нуқтаи-назаридан қараш лозимлигини, унинг ҳошиш истакларини рўёбга чиқаришда ўзига хос аҳамияти борлигини эътироф этган.

Тадқиқот методологияси. Мақолани таҳлил қилишда, амалий социологик, қиёсий синтез усулларида унумли фойдаланилган амалий – назарий хулоса ва тавсиялар тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз қишлоқ жойларида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ўзгарди,

бандлиги ошди ва иш жойларидаги шароитлари яхшиланди. Аммо қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусан унинг замонавий тармоқларини ривожлантириш, иш билан банд бўлмаган қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даро-

мадлари ва фаровонлигини ошириш масалалари ўз ечимини кутмоқда.

Шу сабабли қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш имкониятларини баҳолаш долзарб аҳамият касб этади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда банд бўлган аҳоли сонининг ўзгариши [13]

№	Йиллар	Иқтисодиётда банд бўлганлар	Жумладан қишлоқ жойларида	Қишлоқ жойларида бандлар, Иқтисодиётда банд бўлганларга нисбатан улуши фоизда
			Сони, минг киши	
1	2010	11 628,4	5131	44,1
2	2015	13 058,3	5 821,8	44,5
3	2016	13 298,4	6 127,4	46
4	2017	13 520,3	6 269,1	46,3
5	2018	13273,1	6 059,7	45,6
6	2019	13541,1	6221,1	45,9
7	2020	14204,6	6 319,1	44,4
8	2021	14980,7	7001,4	46,7
9	2022	-	7219,8	-

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики 2010 йилда иқтисодиётда жами бандлар 11 628,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилдан 2021 йилгача иқтисодиётда банд бўлганларнинг сони 38,7 фоизга ошиб, 14 980,7 минг кишигача етди. 2010 йилда қишлоқ жойларида бандлар, иқтисодиётда жами бандларга нисбатан 44,1 фоизини ташкил этган бўлса, айнан шу кўрсаткич 2021 йилда иқтисодиётда бандлар 14980,7 минг кишини, қишлоқ жойларида жами бандлар 7001,4 кишини ташкил этиб, 2021 йил 2010 йилга нисбатан қишлоқ жойларида бандлар 1,3 birlikга ортган.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2022 йилда савдо ва умумий овқатланиш муассасалари таркибида, супер маркетлар сони Самарқанд вилояти бўйича жами 16714 тани ташкил этган. Шулардан 79,2 фоизи туманлар хиссасига тўғри келади. Туманлар кесимида юқори ўсиш кўрсаткичи Булунғур туманига тўғри келади. Яъни вилоятдаги жами супермаркетларнинг 18,4 фоизи Булунғур туманида жойлашган. Шунингдек, ресторан, кафе, бар, овқатланиш муассасалари жами вилоятнинг 27,9 фоизини, дорихоналарнинг 19,6 фоизини, ташкил этади. Майиш хизмат кўрсатиш муассасаларининг 6 та тури бўйича ҳам Булунғур тумани етакчи ҳисобланади. Хусусан, умуман майиш хизмат кўрсатиш муассасаларининг сони туманлар кесимида 8887 та бўлса, Булунғур тумани 1989 та билан туманлар кесимида 22,3 фоиз birlikга

тўғри келган. Аммо, юқоридаги савдо ва умумий овқатланиш муассасалари шаҳар ҳудудларидан ташқари туманлар кесимида 15054 тани ташкил этган ва энг паст кўрсаткич Қўшработ туманига 307 та ёки 2,0 фоизга тўғри келиб, Булунғур туманидан 11 баробарга ортда қолмоқда. Яқин келажакда Қўшработ туманида юқоридаги хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этилмас экан, у ерда яшовчи доимий аҳоли шу каби хизмат кўрсатиш муассасаларини истеъмол қилиш учун вақт ва ортиқча харажатлар сарфлаётганидан, рақобатбардош сифатли хизматларни истеъмол қилмаётганидан далолат беради. Маъданий хизмат кўрсатиш муассасалари сони жуда кам. Таълим муассасалари сони таҳлил этилганида давлат мактаблари сони шаҳар ҳудудлари мактаблари айириб ташлаганида умумий 1177 та birlikни қайд этган. Давлат мактабларининг юқори улуш Ургут тумани 12,5 фоизга, паст кўрсаткич эса Пахтачи туманига 4,2 фоизга тўғри келиб, Ургут туманидан 1,5 баробарга ортда бўлсада, туманлар кесимида таққослаганда бу кўрсаткич мўтадил ҳисобланади.

Хусусий мактабларнинг туманлар кесимида сонига қаралганида аҳвол яхши эмаслигини давлат мактаблари билан рақобатлаша олмаслигини кўрсатмоқда. Давлат мактабгача таълим муассасалари ва хусусий боғчалар сонининг ҳолати урганилганда рақобатлашаётган эканлигини кўрсатмоқда.

2022 йилда Самарқанд вилоятининг туманлари кесимида хизмат кўрсатиш муассасалари сони[14]

Туманларнинг номи	Савдо ва умумий овқатланиш муассасалари сони			Маиший хизмат кўрсатиш муассасалари сони						Маъданий хизмат кўрсатиш муассасалари сони				Таълим муассасалари сони				
	Супер маркет, магазинлар	Ресторан, кафе, бар, овқатланиш муассасалари	Дорихоналар	Маиший техникаларни таъмирлаш муассасалари	Саргарошхона, гўзаллик саломи	Ателье, тикувчилик, тўқувчилик	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	Пойфазал таъмирлаш устaxonалари	Қурилиш техникаларига хизмат кўрсатиш	Қўнғилочар истърохот боғлари, парклар	Музейлар	Театр, кинозаллар	Кутубхоналар	Мактаблар		Мактабгача таълим муассасаси		Ўқиш, Тайёрлов таълим марказлари
														Давлат мактаблари	Хусусий мактаблар	Давлат боқчалари	Хусусий боқчалари	
Самарқанд вилояти	16714	1079	1390	610	3901	2456	3228	754	332	22	2	26	25	1282	13	748	480	698
Самарқанд ш.	2465	165	384	119	766	443	398	162	59	10	1	21	6	86	4	100	86	167
Каттақўрғон ш.	1011	24	80	21	149	104	138	32	3	-	1	1	2	19	-	25	14	19
Оқдарё	632	124	55	26	146	108	128	23	35	-	-	-	2	57	-	30	32	55
Булунғур	2447	249	182	86	624	498	636	108	37	-	-	1	3	69	1	31	36	94
Жомбой	654	42	63	30	231	173	206	43	18	1	-	-	1	56		34	31	29
Иштихон	165	51	45	38	126	71	81	61	336	2	-	1	1	97	2	32	45	46
Каттақўрғон	702	46	44	55	224	246	184	76	34	2	-	-	1	107	-	65	18	59
Қўшрабат	278	9	20	15	114	28	45	23	12	1	-	-	1	93	-	28	11	6
Нарпай	719	80	42	22	144	152	169	33	5	-	-	-	1	71	-	57	18	5
Пайариқ	825	36	65	28	153	69	181	18	4	2	-	-	1	102	1	50	16	33
Пастдарғом	1184	59	75	16	250	39	178	23	5	-	-	-	2	131	1	69	47	77
Пахтачи	617	27	50	10	132	59	91	20	10	1	-	-	1	50	-	42	14	14
Самарқанд	1765	24	63	21	113	39	118	13	11	2	-	2	1	56	2	42	26	14
Нуробод	481	18	24	13	94	118	64	19	3	-	-	-	-	77	1	26	16	17
Ургут	2026	72	139	69	429	162	371	65	9	1	-	-	1	148	1	72	46	40
Тайлоқ	743	53	59	41	206	147	240	35	51	-	-	-	1	63	-	45	24	43

2022 йилда Самарқанд вилоятининг туманлари кесимида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари ҳолати[15]

Туманларнинг номи	Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, минг сўмда	Хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг жами иқтисодийётга киритилган инвестициялар-даги улуши, фоизда***	Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Минг сўм	Ишсизлик даражаси, фоизда	Инвестицион лойиҳалар таркибида хизматлар соҳасига тегишли лойиҳаларнинг улуши, фоизда***	Фаолият юритаётган барча иқтисодий субъектлар сони, бирлик (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)	Шундан, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган иқтисодий субъектлар сони	Тижорат банклар ва филиаллар сони*	Аҳолиси, минг киши	Туристтик объектлар (дам олиш ва маданий меърос объектлари) сони**	Меҳмон хоналар ва меҳмон уйлари сони
Самарқанд вилояти	5579,2	100	2944,2	9,3	38,4	54163	37417	58	4118,4	1487	131
Самарқанд ш.	17115,9	32,5	3765,4	8,5	128,2	15309	12108	17	573,2	483	122
Каттакўрғон ш.	5707,9	1,0	2777,3	9,0	9,6	1723	1178	2	93,6	22	1
Оқдарё	4709,5	13,9	2381,9	9,5	1,8	2322	1530	3	169,1	111	-
Булунғур	3110,0	2,0	2298,0	9,3	11,6	2296	1504	3	197,5	24	-
Жомбой	5386,1	5,0	2687,2	9,3	7,2	2181	1436	3	184,8	44	-
Иштихон	3026,0	2,8	2435,2	9,3	41,9	2919	2027	3	270,1	69	-
Каттакўрғон	3135,6	4,8	2338,3	9,4	122,9	2804	1745	1	287,9	49	-
Қўшрабат	3281,0	1,8	2286,7	9,5	34,9	1273	842	2	139,1	56	-
Нарпай	3396,5	4,1	2631,6	9,6	96,1	1762	1291	2	223,4	49	1
Пайариқ	3047,5	6,5	2279,0	9,7	114,7	2837	1928	2	266,9	96	-
Пастдарғом	3758,4	3,8	2343,5	9,6	14,5	4566	2777	5	374,9	147	-
Пахтачи	3384,2	1,3	2368,5	9,7	54,1	1457	992	3	150,0	40	-
Самарқанд	5759,8	6,1	3742,3	9,6	18,0	3865	2498	3	267,2	138	3
Нуробод	2878,9	1,0	2732,3	9,5	15,0	1753	948	2	159,3	52	3
Ургут	2839,5	10,6	2433,1	9,3	28,9	4726	2917	5	545,7	143	-
Тайлоқ	4680,9	2,8	2686,1	9,4	33,0	2370	1696	2	215,7	69	1

Манба: * [16] ** [17] *** [15]

Давлат мактабгача таълим муассасалари шаҳар ҳудудларидан ташқари туманларда 623 тани ташкил этган. Хусусий мактабгача таълим муассасалари сони туманлар кесимида 380 та билан давлат мактабгача таълим муассасаларига рақобатга киришаётганини билдирмоқда. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг туманлар кесимидаги энг юқори улуш Ургут туманида 11,5 фоиз, энг паст кўрсаткич 4,8 фоиз билан Оқдарё туманига тўғри келган. Хусусий боқчалар сони бўйича юқори улуш 12,3 фоиз билан Пастдарғом туманига, энг паст улуш эса 2,8 фоиз билан Қўшрабат туманига тўғри келган. Ўқиш, Тайёрлов таълим марказлари сони туманлар кесимида 512 тани ташкил этиб, энг юқори улуш 18,3 фоиз билан Булунғур туманига, энг паст улуш 1,1 фоиз улуш билан Нарпай ва Қўшрабат туманларига тўғри келган.

3-жадвал маълумотлари далолат берадики 2022 йилда аҳоли жон бошига хизматлар хажми Самарқанд вилоятида 5579,2 минг сўми ташкил этган. Шундан Самарқанд шаҳарида аҳоли жон бошига хизматлар хажми 17115,9 минг сўм билан вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан бир баробарга ортиқ. Каттакўрғон шаҳрида ҳам аҳоли жон бошига хизматлар хажми 5707,9 минг сўмга тўғри келиб вилоят хажмидан 128,7 минг сўмга юқори тўғри келмоқда. Туманлар кесимида энг юқори кўрсаткич Самарқанд туманида аҳоли жон бошига хизматлар хажми 5759,8 минг сўм билан вилоятнинг кўрсаткичидан 180,6 минг сўмга ортиқ. Туманлар кесимида энг паст кўрсаткич Ургут тумани 2839,5 минг сўм билан вилоят кўрсаткичидан бир баробар ортда.

Хизмат кўрсатиш соҳасига киритилган инвестицияларнинг жами иқтисодиётга киритилган инвестициялардаги улуши таҳлил этилганда Самарқанд вилоятида энг юқори улуш Самарқанд шаҳрига 32,5 фоиз тўғри келган. Туманлар кесимида Оқдарё тумани 13,9 фоиз билан юқори бўлган. Хусусан, Оқдарё тумани Самарқанд шаҳри билан таққослаганда 2,3 барбарга ортда қолмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки инвестиция киритувчилар асосан шаҳар жойларига кўпроқ инвестиция киритишни хоҳлашади. Айнан қишлоқ жойларида инвестиция киритувчиларга маълум имтиёз, шароит, имконият яратилишини назарда тутувчи махсус дастур ва нормативларда акс эттирилмас экан яқин келажакда қишлоқ жойларида инвестиция киритувчилар сони пастлигича қолади. Шу сабабли инвестиция киритишнинг замонавий механизмини яратиш зарур. Инвестицион

лойиҳалар таркибида хизматлар соҳасига тегишли лойиҳаларнинг улушида Оқдарё тумани 1,8 фоизини ташкил этган туманлар кесимидаги паст кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Туманлар кесимида Каттакўрғон тумани 122,9 фоиз ва Пайариқ тумани 114,7 фоиз билан юқори улушга эга бўлган. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таҳлил этилганда Самарқанд вилоятида 2944,2 минг сўмга тўғри келган. Самарқанд шаҳар ҳудудларида ўртача номинал иш ҳақи 3271,3 минг сўми ташкил этган. Туманлар кесимида ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи 2792,6 минг сўм бўлган. Паст кўрсаткич Пайариқ туманига 2279,0 минг сўмга тўғри келмоқда. Фаолият юритаётган барча иқтисодий субъектлар сони Самарқанд вилоятида 54163 тани ташкил этган шундан шаҳар ҳудудларидан ташқари туманларда 37131 тага тўғри келган. Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган иқтисодий субъектлар сони Самарқанд вилоятида 37417 та билан жами субъектлар сонига нисбатан 68,5 фоизига тўғри келмоқда. Туманлар кесимида энг паст кўрсаткич Нуробот туманига 948 та сони бўйича тўғри келиб, жами субъектларнинг хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган иқтисодий субъектлар сони улушида 54,0 фоизини ташкил этмоқда. Самарқанд вилоятида тижорат банклари ва филиаллари сони жами 58 тани ташкил этади. Шундан 17 таси ёки 29,3 фоизи Самарқанд шаҳрига тўғри келмоқда. Туманлар кесимида энг юқори кўрсаткич Пастдарғом ва Ургут туманларида. Уларнинг иқтисодиётига 5 та банк хизмат қилмоқда. Аммо, туманларда бу кўрсаткич юқори бўлса ҳам 545,7 минг аҳолиси бор Ургут туманида ҳар бир банкга 109,4 минг аҳоли тўғри келмоқда. Жами Туманлар бўйича олганда ҳар бир банкга 88,5 минг аҳоли сони тўғри келмоқда. Туманлар билан Самарқанд шаҳридаги мавжуд банк филиаллари аҳоли сонига тўғри келиши бўйича таққослаганда Туманлар 2,6 баробарга ортда қолмоқда. Бизнинг назаримизда қишлоқ жойларида банк хизматларига юқори эҳтиёж мавжуд. Аммо, қишлоқ жойларидаги банк филиаллари билан шаҳар жойларидаги банк филиаллари кўрсатаётган хизматлар таркибида умуман фарқ йўқ. Масалан қишлоқ жойларидаги банк филиаллари қишлоқ аҳолининг талабларини ҳам инобатга олган хизматларни кўрсатиши чорва, парранда, балиқчилик, полиз экинлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, иссиқхоналар каби фаолиятлар учун кредитлар берилиши лозим. Шу сабабли банк хизматлари қишлоқ жойла-

рида ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Аҳоли сони бўйича таҳлил қилинганда Самарқанд вилоятида 4118,4 минг киши бўлиб, Самарқанд шаҳри 573,2 минг киши билан вилоятдаги энг юқори кўрсаткич бўлмоқда. Туманлардаги юқори кўрсаткич Ургут туманига 545,7 минг кишини ташкил этмоқда. Туманлардаги аҳоли сони паст кўрсаткич Қўшрабат туманига 139,1 минг кишига тўғри келди. Самарқанд вилоятида жами туристик объектлар (дам олиш ва маъданий меърос объектлари) сони 1487 тани ташкил этади.

Шундан 982 таси туманлар хиссасига тўғри келади. Булунғур туманида 24 та билан паст кўрсаткич тўғри келган. Меҳмон хоналар ва меҳмон уйлари сони Самарқанд вилоятида 131 тани ташкил этган бор йўғи 8 та Меҳмон хоналар ва меҳмон уйлари сони туманларга тўғри келмоқда. Яқин келажакда бу хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун давлат сиёсати даражасида эътибор бериш зарур. Шундагина ушбу хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади.

4-жадвал

Самарқанд вилоятида вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар тўғрисида маълумот 2022 йил

Туманлар	Аҳоли сони, минг киши	Вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар сони, киши	Шулардан	
			Аҳоли сонига нисбатан улуши, %	Иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан улуши, %
Самарқанд	267,2	22583	8,5	19,7
Жомбой	184,8	16586	9,0	22,5
Нарпай	223,4	11529	5,2	12,3
Пайариқ	266,9	16682	6,3	17,0
Оқдарё	169,1	10742	6,4	15,0

Манба: Самарқанд вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Туманларда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмаганлиги сабабли меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш масаласи долзарб. Шу сабабли, қишлоқ аҳолиси даромадли, муносиб иш ўрнини излаб меҳнат мигрантига айланмоқда.

2022 йилда Самарқанд туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар сони 22583 кишини ташкил этди. Туман доимий аҳоли сонига нисбатан ҳисобланганда 8,5 фоизни, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан эса, 19,7 фоизни ташкил этган. Жомбой туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 16586 кишини ташкил этди. Жомбой тумани доимий аҳоли сонига нисбатан 9,0 фоизни, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 22,5 фоизни ташкил этган. Нарпай туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 11529 кишини ташкил этди. Нарпай тумани доимий аҳоли сонига нисбатан 5,2 фоизни, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 12,3 фоизни ташкил этган. Нарпай туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 16682 кишини ташкил этди. Пайариқ тумани доимий аҳоли сонига нисбатан 6,3 фоизни, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 17,0 фоизни ташкил этган. Оқдарё туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 10742 кишини ташкил этди.

Нарпай тумани доимий аҳоли сонига нисбатан 6,4 фоизни, иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан 15,0 фоизни ташкил этган (4-жадвал).

Хулоса ва таклифлар. Умумий хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки хизмат кўрсатиш соҳаси муассасаларининг қишлоқ жойларидаги улуши шаҳар жойларига қараганда паст эканлиги яқин келажакда қишлоқлашган туманларда ўқиш, тайёрлов таълим марказларини ташкил этиш заруратини кучайтиради. Демак, шундагина инсон интелекти ва салоҳиятини оширишга қаратилган хизмат кўрсатиш фаолиятлари билан боғлиқ хизматларни янада ривожлантириш кучаяди. Аммо, замонавий хизматлар таркибида инсон интелекти билан боғлиқ хизматлар сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этади. Шу сабабли қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. қишлоқ аҳолиси учун даромадли муносиб иш ўринларини яратиш;
2. қишлоқ жойларида тадбиркорлик субъектларини янада ривожланиши учун шарт-шароит ва инвестицияларни йўналтириш;

3. чекка қишлоқларда тадбиркорлик фаолиятига имтиёзлар қўллаш;
 4. чекка қишлоқларда аҳолининг яшаш шароитларидан келиб чиқиб солиқ имтиёзларини бериш;
 5. касбга ўқитиш ва қайта тайёрлов курсларини ташкил этиш;

6. олис қишлоқ жойларига келиб меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ишчиларга топаётган даромадидан солиқ имтиёзларини бериш;
 7. худудларнинг географик жойлашуvidан келиб чиқиб муносиб хизматларни туманлар кесимида ўзаро интеграциясини таминлаш ва бошқалар.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони [кириш йўли] <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>
2. Bell D. *The Winding Passage: Sociological Essays and Journeys*. – Routledge, 2019. – 399 p.
3. Galbraith J.K. *The culture of contentment*. – Princeton University Press, 2017. – 176 p.
4. Васеленко Н.В., Венгерова И.В. Роль сферы услуг в развитии современной экономики. *Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований*. №2, 2012.
5. Самтаров Ш.Х. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Самарақанд 2022 йил
6. Смит А. *Исследование о природе и причинах богатства народов*. М.: Эксмо, 2009. – бет.104.
7. Harrison Tina, Estelami Hooman (5 December 2014). *The Routledge Companion to Financial Services Marketing*. ISBN 9781134095629.
8. McConnell, Campbell R.; et al. *Economics. Principles, Problems and Policies* (PDF) (18th ed.). New York: McGraw-Hill. ISBN 978-0-07-337569-4. Archived from [the original](#) (PDF contains full textbook) on 6 October 2016., Glossary, p. G-25.
9. Котлер, Ф., *Маркетинг менеджмент*. Экспресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006.- 464 с.
10. *Осинов Ю.С.* — М.: Большая российская энциклопедия, *Сектор экономики*. 2004—2017.
11. *Социально-экономические проблемы развития отдельных отраслей сферы услуг: Сборник статей / Под ред. Восколович Н.А., Молчанова И.Н.* — М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2017. — 199 с.
12. Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. *Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари*. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”. 2021. 186 б.
13. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Хузуридаги статистика агентлиги маълумотлари*.
14. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси ва Самарқанд вилояти иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари
15. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари
16. *Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган [кириш йўли] <https://cbu.uz/oz/credit-organizations/banks/branches/>*
17. *Ўзбекистон Республикаси Маданий меърос агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган [кириш йўли] https://backend.madaniymeros.uz/media/uploads/open-data/846_04.10.2019_milliy_royhat.pdf*



BOZORNI TARTIBGA SOLISHNING YANGI PARADIGMASI VA RAQOBAT

Fayziyeva Dilafruz Shuxratovna
 Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
 Korporativ boshqaruv kafedrasida dots. v.b.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a18

Аннотация. Ushbu maqolada raqobatning ko'p qirrali iqtisodiy hodisaligi va u bozorning barcha subyektlari o'rtasidagi murakkab munosabatlarni ifodalashi ko'rsatilgan hamda raqobat bozor subyektlari iqtisodiy manfaatlarining to'qnashuvidan iborat bo'lib, ular o'rtasidagi yuqori foyda va ko'proq naflilikka ega bo'lish uchun kurash anglatilgan. Raqobatning moslashtirish vazifasi tarmoqlarda korxonalar, firmalarning ichki va tashqi muhit sharoitlariga ratsional tarzda moslashishiga yo'naltirilgan. Shuningdek, ishlab chiqaruvchilarning faoliyat ko'rsatuvchi tadbirkor va mulk egasi sifatida erkin va mustaqil bo'lishi raqobatning iqtisodiy asosini tashkil etishi keng yoritilgan.

Калит so'zlar: mehnat unumdorligi, iqtisodiy o'sish, ish bilan bandlik, qishloq xo'jaligi mahsulotlari, raqobatning taqsimlash vazifasi, bozor vositasi, arzon xomashyo, erkin narx.